

БАРКАМОЛ АВЛОД ВА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Madaliyev Asqarali Yigitaliyevich

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va
biotexnologiyalar universiteti Toshkent filiali

“O‘zbek va xorijiy tillar” kafedrasining erkin tadqiqotchisi

Email: madaliyev70@mail.ru

Tel: +998903476802

Annotatsiya

Maqolada yosh avlodni yurtimiz taraqqiyotida faol ishtirok etadigan sog‘lom va bilimdon, ma‘naviyatli hamda barkamol qilib tarbiyalashda xalq og‘zaki ijodini, o‘tmish ajdodlarimiz ta‘lim-tarbiya sohasidagi ko‘p asrlar davomida orttirgan boy tajribasini o‘zlashtirishning ahamiyati yoritilgan.

Kalit so‘zlar: xalq og‘zaki ijodi, yoshlar, milliy urf-odatlar, ta‘lim-tarbiya, odob-axloq, yuksak ma‘naviyat, tabiatga muhabbat, mehnatsevarlik.

Халқ оғзаки ижоди-меҳнаткаш омма ижоди, халқ бадиий фаолиятининг таркибий қисми, халқ санъатининг бошқа турларидан (муסיқа, рақс, ўйин, тасвирий ва амалий санъат) ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган оғзаки сўз санъатидир. Ҳар бир халқнинг ғояларини акс эттирган бой оғзаки сўз санъати бўлганидек, ўзбек халқининг ҳам оғзаки адабиёти дурдоналари мавжуд. Халқ томонидан оғзаки яратилиб, унинг иқтидорли вакиллари ижросида сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бадиий асарлар ўзбек халқ ижодини ташкил этади. Аждодларимиз томонидан қўлга киритилган қадимий маданияти таркибидан таълим-тарбияга оид мероси ҳам алоҳида ўрин олган. Зеро, ҳозирги туркий ва форсийзабон халқларнинг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари, тарихчилар, адабиёт ва санъат намояндаларининг ижодий мероси, санъат ва адабий асарларнинг намуналари бунинг далилидир.

Бундай муҳим манбалар сирасига юнон олимлари Геродот, Суқрот, Плутарх, Полиэнларнинг тарихий, географик ҳамда ахлоқий асарлари, алломаларимиз Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошгарий, файласуф, шарқшунос ва тарихчи олимлар: Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов,



В.В.Брагинский, И.М.Мўминов, Б.Ғафуров, И.В.Стеблева, А.О.Маковельский, Й. Жумабоев, М.Исҳоқов, адабиётшунослар А.Қаюмов, Н. Маллаев, Н.Раҳмонов, педагог- олимлар Ў.Алеуов, М.Орифий ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар киради.

Энг қадимги даврларда йўлга қўйилган таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган афсоналар, қаҳрамонлик эпослари, кўшиқлар, мақол ва ибораларда илгари сурилган ғоялардан ҳам олишимиз мумкин. Чунки халқ донишмандлигининг ёрқин намунаси бўлган халқ оғзаки ижодида халқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалари умумлашган.

Ибтидоий кишиларнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари, улар томонидан амал қилинган урф-одатлар, ижтимоий муносабатлари мазмуни халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлган афсоналарда ифодаланган. Афсоналарнинг қаҳрамонлари яхшилиқнинг тантана қилиши учун ёмонлик ҳамда нурнинг муқаррар мавжуд бўлиши учун зулмат билан кураш олиб бордилар, яхшилиқ ва бахт-саодатга чулганган ўлкаларини яратадилар. Аксарият афсоналарнинг қаҳрамонларини инсон сифатида гавдаланган худолар ташкил этган. Ибтидоий тузум кишиларининг орзу-истаклари, ўй-фикрлари, мақсад ва интилишларини ёритишга хизмат қилган афсоналарнинг кўпчилиги бизга энг қадимги ёдгорликлар “Авесто”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарлари орқали маълумдир.

Энг қадимги даврларда яратилган мақолларда ҳам халқнинг таълим-тарбия борасидаги донишмандлиги ўз ифодасини топган. Халқ педагогикасининг энг қадимги намуналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган ва ўзининг педагогик, тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Қадимги аждодларимиз инсонга хос жасурлик, адолат, садоқат ва инсонийлик каби хислатларни қадрлаганлар.

Демак, инсон хулқ-атворини мукаммаллаштиришга хизмат қилувчи халқ оғзаки ижоди намуналари кишилар ўртасида эзгуликни тарғиб қилиб, инсоннинг камолга етишига катта таъсир этиб келган.

Энг қадимги ота-боболаримиз улуғлаган ахлоқий хислатларни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:





Демак, энг қадимги маърифий ёдгорликларда ифода этилган ва қадрланган хислатлар – жасурлик, мардлик, адолат, садоқат, инсонийлик, хушмуомалаликдан иборат бўлган. Табиийки, ушбу хислатлар инсонда ўз-ўзидан шаклланимайди. Табиат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар инсоннинг ана шундай хислатларга эга бўлишини тақозо этган. Икки катта куч – яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги аёвсиз кураш инсонда юқорида қайд этилган хислатларнинг бевосита шаклланишига туртки бўлган.

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш баркамол шахсни тарбиялашда муҳим воситадир. Ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда халқ оғзаки намуналаридан фойдаланиш юқорида келтирилган ижобий фазилатларни уларнинг онги ва қалбида шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди. Миллий истиқлол миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий халқ оғзаки ижоди намуналарини, бой тарихимизни баркамол авлодга етказишга катта имконият ва шароит яратди. Ўтмиш аجدодларимиз таълим-тарбия соҳасидаги кўп асрлар давомида орттирган бой тажрибасини ўзлаштириш асосида ёш авлодни юртимиз тараққиётида фаол иштирок этадиган соғлом ва билимдон, маънавиятли қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг ғоят муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Баркамол авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган ва синалган усул ва воситалар, хилма-хил тадбирлар, миллий урф-одатлар, анъаналар, тарбия ҳақидаги ғоялар ўзбек халқ педагогикаси хазинасидаги бебаҳо жавоҳирлар ҳисобланади. Уларда ифодаланган ғоялар, тажрибалар



халқ оғзаки ижод намуналарида, улуғ мутаффакир олимларнинг илмий ва адабий асарларида ўз ифодасини топган.

И.А.Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқитишга алоҳида эътиборни қаратишни таъкидлаган эди: "Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш "Алпомиш достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодга ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир. "Алпомиш" достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради".

Баркамол авлод маънавиятини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим аҳамият касб этиб, бу хазина халқпарварлик ва ватанпарварлик, ростгўйлик ва тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик ва камтарлик, ўз халқига, ўз миллатига, ўзи туғилиб ўсган она юртига нисбатан чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу боис ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини, маънавиятни шакллантириш бизнинг бурчимиздир. Шунга кўра халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари, хусусан, достон, қисса, мақол, эртак, тез айтиш, топишмоқлар ўқувчиларни маънавий етук, соғлом авлод қилиб тарбиялашда асосий омил ҳисобланади.

Мактабда ўқитиладиган халқ оғзаки ижоди намуналари учун умумий бўлган дидактик тамойиллар ўқитишда назарий билимлар билан амалиётнинг узвий алоқада бўлишини, мавзулар, боблар ва ҳатто ўқув предметлари орасида ўзаро боғлиқликни таъминлайди. Мазкур тамойилларнинг бир қисми ўқувчи фаолиятига тегишли бўлса, иккинчи қисми ўқитувчи фаолиятига дахлдор. Масалан, илмийлик, дарсни ташкил этишдаги кўргазмалилик, ўтиладиган мавзу мазмунига мос метод танлаш, илғор педагогик технологиялар, шунингдек, кўшимча ўқув адабиётлари ва маҳаллий, тарихий манбалардан фойдаланиш каби масалалар бевосита ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида ўз аксини топади. Масалан, дарсда эртаклар ўрганилса, ўқувчилар эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги назарий маълумотлар билан танишадилар. Мавзудан сўнг берилган савол ва топшириқлар асосида ўрганилган материаллар умумлаштирилиб, тўлдирилса, янги дидактик манбалар ўқувчилар ўзлаштирган билимларни бойитиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. "Халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари, асосан, ахлоқ-одоб ва тарбиянинг турли йўналишларини амалга оширишга мўлжалланган бўлса, топишмоқлар кўпроқ ёшларнинг ақлий камолотига таъсир этишнинг воситаси бўлиб келган. Топишмоқлар қандайдир даражада муаммоли



таълимга яқин туради. Ўқувчининг олдида муаммоли савол, вазифа, топширик, ҳатто айрим топишмоқлар муаммоли вазият ҳам яратиши мумкин.

Ҳаёт ва ундаги мавжудот ҳақидаги билим-тушунчаларини, идрок ва тасаввурни, фикр-мулоҳазаларни кенгайтириш учун зарур таълим воситаларидан бири бўлгани туфайли топишмоқлар соддадан мураккабга, осондан қийинга, аниқдан ноаниққа, маълумдан номаълумга бориш усулида яратилади.

Биз болалигимиздан халқ оғзаки ижоди асарларидан баҳраманд бўлганмиз. Онамиз айтган алла оҳанги, эзгулик, яхшилик, гўзал орзу-умидлар ҳақидаги эртаклар, табиатга муҳаббат, меҳнатсеварликка даъват этувчи кўшиқлар бола қалбимизни бутунлай ром этиб олган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бой ва кўп асрлик тарихга эга бўлиб, бугунги кунда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижоди меросини асраб-авайлаш, уларни халққа етказиш, оғзаки ижод асарлари ижрочиларига эътибор ошди. Муайян тарихий давр, миллий хусусиятларни акс эттирган, халқнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, турмуш тарзи ифодаси бўлган оғзаки ижод намуналари тўпланди, қайта тикланди ва халққа тақдим этилди. Бой ўтмиш маънавий меросимиз бугунги кунда ёш авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, мактабларда таълим мазмунининг салмоқли қисми саналган халқ оғзаки ижодининг ҳар бир тури маълум таълимий ва тарбиявий вазифани ҳал этишга қаратилгандир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этилиши ўқитувчининг маҳоратига, билимдонлиги ва фидоийлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мактабларда ўқитиладиган, дарсдан ташқарида эшитадиган, ойнаи жаҳон орқали намоёиш этиладиган халқ оғзаки ижоди намуналари шубҳасиз ўқувчи-ёшларни тарбиялашнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Фойданилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч", Тошкент, «Маънавият», 2008 йил
2. Зуннонов А., Тўхлиев Б, Маъсудов Х. Педагогика тарихи. Дарслик. Т.: "Шарқ" нашриёти 2002 йил.



3. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. “Педагогика тарихи”, Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1997 йил.
4. Куронов М. “Ўзбекистон умумий урта таълим мактабларида миллий тарбиянинг педагогик асослари: Пед.фан.д-ри. ...дис.” Тошкент, 1998 йил.
5. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. “Авесто”да таълимий-ахлоқий қарашлар”. Т. Ўқитувчи, 1992 йил.

